

## УБАЙДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУДНИНГ “МУХТАСАРУЛ ВИҚОЯ” АСАРИ ТАҲЛИЛИ

**Ишанов Исмоил Одилович**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти*

*“Ҳидоя” билим юрти ўқитувчиси*

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг қаламларига мансуб “Мухтасарул виқоя” асарини фикҳ соҳасидаги улкан асарларсирасига киритишимиз мумкин. Уларга диёримиз ва хориж уламолари томонидан ёзилган шарҳ ва хошияларни тўплаб ҳатто бир энциклопедия тузиш ҳам мумкин. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг фикҳ борасидаги ихчам шаклда баён этилган “Мухтасарул-виқоя” номли асарини алоҳида зикр этиш ўринлидир. Унга машҳур ҳуқуқшунос олимлар томонидан араб, турк ва форс тилларида кўп шарҳлар ва хошиялар ёзилган ҳамда узоқ муддат давомида исломий дорулфунунлар дастурларига киритилган. “Кашфуз-зунун” муаллифи Ҳожа Халифа “Мухтасар”нинг Араб тилида шарҳловчиларидан қуйидагиларни зикр этади:

1. Аҳмад ибн Муҳаммад аш Шаманий.
2. Ибн ал –Айний ал-Ҳанафий.
3. Абдулвоҳид ибн Муҳаммад.
4. Алоуддин ибн Муҳаммад.
5. Ибн Қутлуғбо ал -Ҳанафий.
6. Маҳмуд ибн Илёс ар-Румий.
7. Шамсиддин Муҳаммад ал –Кухистоний.
8. Алиюл –Қорий.
9. Абдулмакорим. Ибн Абдулло ибн Муҳаммад.
10. Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад ал-Жомий.

Ушбу китоб турк ҳуқуқшунос олимлари томонидан ҳам қизиқиш билан кутиб олинган. Масалан, 15-асрда Шамсуддин Аҳмад ибн Ҳамза турк тилида бу китобга бағишлаб бир ажойиб хошия ёзган. Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кирмоний матнини турк тилига назм қилган. Шунингдек, қози Юсуф ибн Давлат ўғли мазкур хошияни туркча назм этган. Бундан ташқари татар олими Муҳаммад Солиҳ “Мухтасарул виқоя”ни татар тилига таржима қилиб уни шарҳлаб чиққан.<sup>193</sup> “Мухтасарул-виқоя” форсий тилга Самарқандлик олим Жалолиддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Самарқандий Гўрмирий томонидан таржима қилинган. Муаллиф муқаддиманинг охирида Абулғозий Убайдулло Баҳодурхонга сано ва сифатлар айтиб, илтимос билдирадиги, “агар у киши илтифот юзасидан бу асарга бир назар солсалар, уларнинг кимёасар (кимё ҳосиятига эга) назарларидан олтинга айланиб, сайрафийлар (пул ва олтинни алмаштирувчи ва сараловчи) бозорида эътибор топгувсидир”. Шарҳловчининг айтишича, у мавлоно Фаҳруддин Илёс ёзган шарҳдан қисқартириб фойдаланган. “Шарҳи Гўрмирий” номи билан шуҳрат топган бу китоб 1864 йил Афғонистон ва Туркистон тожирлари

<sup>193</sup> Муҳаммад С. “Мухтасарул виқоя таржимаси”, “Қозон” “С- Петербург нашрияти” 1902, 2 Б.

(савдогарлари) хошишига кўра Ҳиндистон Лакнаҳул ва кейинроқ Нулкишур босмаҳоналарда (614 бетда) настаълиқ ёзувида нашр этилган. Ушбу шарҳ Истамбул шаҳрида қози Абдурраҳим Бухорий ўғли Қозизода Муҳаммад Шариф Маҳмуд ихтимомии билан, Бухоролик муфтий Муҳаммад Шариф ўғли Саид Оқил хаттотлигида нашр этилган. “Мухтасарул-виқоя”нинг арабча матни форсча таржимаси билан 1901 йилда Тошкент шаҳридаги О.А. Порцов литография босмаҳонасида чопэтилган. Бу китоб домла Шамсий Охунд ибн Ниёз Муҳаммад томонидан Эшон Тиллохўжа илтимосига биноан, таржима қилинган. Китобнинг энг муҳим шарҳларидан бири бўлмиш Али ал-Қорининг арабча шарҳи 1901 йил Олимжон ибн Муҳаммаджон ал-Борудий томонидан Қозон университети мабаасида нашр қалинган. Мулло Абдуллатиф Мулло Ҳолид ўғли ёзган “Китобун-Нуқоя Мухтасарул-виқояга туркий шарҳ” 1873 йил мазкур матбаада икки жилд, 144 бет нашр этилган<sup>1</sup>. Шарҳловчи китоб муқаддимасида бундай деб ёзади: “Аллоҳ таолонинг ҳар қавмга, анинг лисони (тили) узра Пайғамбар кундирмак ҳукми ҳар тоифага ўзлари дилинжа шариат аҳкоми баён эдилмоқ иқтизо эдар. Шулар сабабдан туркча шарҳ этарга саъй ва ижтоҳод қилдук”. “Мухтасарул-виқоя” турли тилларга таржима ва шарҳ қилиниб, турли мамлакатларда қанча кўп нашр этилгани ҳақидаги маълумотларни беришдан мақсад, бу китобнинг қанчалик муҳим асар эканлигини кўрсатишдир. Ушбу қимматли асарнинг катта шарҳларидан бири бўлмиш ўзбекча шарҳ “Мажмаул Мақсуд” дир. Тошкентлик Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа томонидан “Мухтасарул-виқоя”га ёзилган икки жузлик (жилдлик) ўзбекча шарҳ “Мажмаул Мақсуд” деб аталган. Бу шарҳ форсий тилда ва баъзи бир араб тилида ёзилган шарҳларга нисбатан борасида сўз юритиб, унинг бошқа илмларга нисбатан юксаклигига далиллар келтиради. Муаллифнинг айтишича, асарнинг таълифига халқнинг истаги сабаб бўлган. Унга ҳар доим кишилар мурожаат қилиб, шариат масалалари борасида саволлар берадилар. Савол берувчилар кўпинча туркий тиллилар бўлади. Улар араб ва форс тилларига ошно бўлмаганликлари ҳақида сўзлашиб, олам китобдан тўлиб тошса-ю, лекин биз улардан баҳраманд бўла олмасак не фойда, деб фикрни она тилларда ўрганишга умид билдирадилар.

*Чоҳдаги сув, қирдаги дарёни минг тавсифқил, Бўлмасам сероб, найлай, бўлса минг дарёи Нил. Ташнадурмиз жаҳл саҳросида, умр ўтди, дарийғ, Айлагил сероб олиб сув, гарчи андақдур ариғ.* Муаллиф уларнинг илтимосини назарда тутиб, бошқаларга манфаат етказиш ва билим ўргатишга чорловчи ҳадисларни зикр этади ва шунга биноан “Мухтасарул Виқоя”ни араб тилидан туркий тилга (ўзбек тилига) шарҳлай бошлайди. “Ушбу “Мухтасарул-виқоя”ни лафз бирла таржима қилдим, баъзи тегишли масалаларни бошқа китоблардан жам қилдим ва қайси китобдан олинганлигига ишорат қилдим, токи лафзи арабийни билмайдургонлар бу туркий шарҳига қараб, матнни мухтасарга муқобил қилиб, маънини билиб ва ҳам лафзи арабийни ўрганғайлар, шоядки каминага ажри азим ҳосил бўлса”, дейди муаллиф. Муқаддимадан кейин мухтасарнинг арабча матни билан таржима ва шарҳи бошланади. Ўрни келганда шарҳловчи матн мазмунини ёритмоқ учун баъзи бир арабча сўзларни ҳар томонлама текшириб, баъзи грамматик қоидаларни келтириб

ўтади. Муаллиф 50 га яқин фикҳий манбалар, машҳур фатволар (ислом ҳуқуқи олимлари томонидан берилган турли масалаларга доир фатволар мажмуалари)ни кўриб чиқиб, уларда энг муҳим ва мўътабар фикру мулоҳазалардан ўз шарҳида фойдаланади. Китоб матнини содда таржима қилиш ва муҳим масалаларини белгилаб шарҳлаш, муаллифнинг катта олимлиги ва фикҳ илмини кенг қамраб олганидан далолат беради. Ўрни келганда у бирон-бир муҳим мавзу устида тўхталиб, эътиборли ҳуқуқий манбаларга таяниб, муфассалроқ шарҳу изоҳлар беради. Масалан: эр билан хотин ҳуқуқий муносабатлари тўғрисида унинг изоҳлари беш бетдан ошади. Бундай катта ишни бажаришга, муаллифни ўз халқига – ўзбек халқига бўлган меҳр муҳаббати ва жонқуярлик туйғуси чорлайди. Бу туйғу ёзган муқаддима ва айтган шеърларидан сезилиб туради. У қатор қаршилик ва тўсқинликларга қарамасдан она тили олдидаги ўз бурчини бажаришга муваффақ бўлиб, бу тилда минг бетдан ортиқроқ бўлган ҳуқуқий манбани вужудга келтиради. Муаллиф ишлатган тил 20 аср бошларидаги ўзбек тили бўлиб, унда форсча ва арабча сўзлар ва атамалар кўп ишлатилади.

Муаллиф умуман “нинг” келишиқ кўшимчаси ўрнида ҳам “ни” кўшимчасини ишлатади. Албатта, бундай ҳолатлар асарнинг баҳосини камайтирмайди ва уни катта ҳуқуқий манба сифатида фойдаланишга монелиқ қилмайди. Агар “Мажмаул-Мақсуд” ҳуқуқшунос олимлар томонидан танқидий нашрга тайёрланиб, қайтадан чоп этилса, ёш ҳуқуқшунослар учун мўътабар кўлланма бўлиб, ислом ҳуқуқшунослигида Марғиноний асос солган ҳуқуқшунослик йўналиши негизи бўлган “Ҳидоя”ни ўрганиб олишда эътиборли манба бўлиб нашрга тақдим қилинади, энди мана шу нашрлар ҳақида қисқача маълумот берамиз. “Мажмаул-Мақсуд” нинг биринчи жузъи (жилди) биринчи марта 1901 йил Тошкент шаҳридаги В.И. Ильин босмаҳонасида Мулла Юсуф Охунд ибн Мулла Зокиржон қалами билан ёзилган настаълиқ хатида нашр этилади, китобнинг арабча матни хошияларда берилади, бетларнинг бичими 33x19 см. Муаллиф биринчи жузъни олти байтли шеъри билан тугатади. Ундаги қуйидаги икки байтни келтирамиз: Китобни иккинчи жузънинг нашри О.А.Порцов матбаасида бўлган. Мундарижадан кейин 4-бетда Мақсудхўжанинг 18 байтли катта шеъри берилади. Сўнгра муаллиф барча мўмин-мусулмонларни тўғрилиқ даъват этиб, баъзи айбловчи ҳосидлардан шикоят қилади, улар ушбу китоб нашрини кўролмай, ғам зулумотиға чўкиб кетганлар: Муаллиф иккинчи жузънинг охирида муламмаъ (икки тилда кўшиб ёзилган шеър) шаклида ўзбекча-тожикча қилиб ёзилган мухаммасини беради. Ҳар банднинг бешинчи мисраси, бадий жихатдан кучли бўлмаса ҳам кўпинча араб тилида берилади. Бу мухаммаснинг қисқача мазмуни қуйидагидек: Араб тилида “Мухтасарул-виқоя” ни ўқиш умум турклар ва тожиклар учун оғир эди. Мен ушбу китобни турк тилига (ўзбек тилига) таржима қилдим, албатта, бу ҳам турклар (ўзбеклар), ҳам тожикларга билимсизлик дардини даволаш учун дори каби хизмат қилади. “Мажмаул-Мақсуд” нинг биринчи жузъи иккинчи марта 1912 йили Мулло Абдулмавлло ибн Мулло Абдурраҳмон ҳаракати билан Тошкент шаҳридаги О.А.Порцов босмаҳонасида нашрдан чиқарилган. Китобнинг бу нашри аввалги нашрига нисбатан яхшироқ, чиройлироқ бўлиб, Абдуссалом исмли котиб қаламига

мансубдир. Китобнинг арабча матни насх ёзувида, ҳарфлар эъроби (ҳаракати) билан берилиб, сатрлар тагида чизиқлар тортилади ва унинг ўзбекча таржимаси ва шарҳи настаълиқ ёзувида берилади. Биринчи жузънинг иккинчи наشري муаллифнинг ўзбекча шеъри билан тугайди. “Мажмаул-Мақсуд” нинг иккинчи жузънинг иккинчи наشريда маълумот йўқ. Китобнинг биринчи ва иккинчи жузъларнинг биринчи наشري ва иккинчи жузънинг иккинчи наشري Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Жузжоний А.Ш. “Ислом ҳуқуқшунослиги”, Тошкент: “Тошкент ислом университети”, 2002.
2. Мухаммад С. “Мухтасарул виқоя таржимаси”, “Қозон” “С- Петербург нашрияти” 1902.